

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

# **ГЕОГРАФИЯНИНГ МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАРИ**

**(Илмий мақолалар тўплами)**

**Мазкур тўплам Жиззах давлат педагогика институтининг  
доценти, география фанлари номзоди  
Камолжон Қурбоновнинг - 80 ёшига бағишланади**

**ЖИЗЗАХ - 2016**

**Фойдаланган адабиётлар:**

1. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар имлоси. -Т.: 1965. 135 б.
2. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номларини тарихидан. -Т.: «Фан» 1965. 80 б.
3. Ҳасанов Ҳ. Ер тили. -Т.: «Ўқитувчи», 1977. 87 б.
4. Қораев С. Қ. Топонимика. -Т.: 2006. 340 б.
5. Қораев С. Қ. Тошкент топонимлари. -Т.: «Фан» 1991

## ДАРЁ НОМИ БИЛАН АТАЛУВЧИ МАМЛАКАТЛАР

Сизга яхши маълумки, жаҳонда кўплаб мамлакатлар мавжуд. Ҳар куни уларнинг номларини эшитиб борасиз, китоблардан ўқийсиз. Мамлакатлар майдони, аҳолиси, давлат тузумлари, ялпи ички маҳсулоти ва унинг аҳоли жон бошига таксимланиши ҳамда номлари қандай маънони билдириши албатта сизни қизиқтиради. Қуйида берилаётган дарё номи билан аталувчи мамлакатлар илмий мақолада жаҳон мамлакатларининг баъзиларини шу ҳудуддан оқиб ўтадиган дарёлар номидан шу ҳудудда жойлашган мамлакат номининг шаклланганлиги ҳақида маълумот бериб, сизга маълум бир даражада билимингизни бойитади, деган умиддамиз.

Ер шарининг баъзи ҳудудларида, шу жумладан Африкада - Камерун, Сенегал, Конго, Жанубий Америкада - Перу, Европада - Литва, Босния ва Герцоговина каби мамлакатларнинг номланиши шу ҳудуддан оқиб ўтадиган дарёлар номи билан боғлиқдир. Юқорида номлари қайд этилган мамлакатлардан баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

### Африка мамлакатлари:

1. **Камерун** - шу ердаги дарё португалча Рио дос камароес – “Қискичбакалар дарёси” деб аталган, шундан сўнг Камерун сўзи ҳосил бўлган.

2. **Конго** - Қадимги номи Заир. Португаллар 1484 йилда Конго дарёси оғзи (қуйилиш қисми) га келиб, маҳаллий аҳолидан дарё номини сўрашганда Назаози (“Катта дарё”) деб жавоб берганлар, уни португаллар талаффуз қила олмай Заир деб номлашган. Кўп мамлакатлар Заир номини тан олмайдилар, уни Конго деб атайдилар.

3. **Сенегал** - мамлакат номи шу ҳудуддан оқиб ўтадиган Сенегал дарёси номи билан боғлиқ. Сенегал Африка китъасининг ғарбий қисмида жойлашган давлат. Шимолда Мавритания, шарқда Мали, жанубда Гвинея-Бисау ва Гвения билан чегарадош. Мамлакатнинг марказий қисмида Гамбия дарёси бўйлаб Гамбия давлати жойлашган. Ғарбда Сенегал Атлантика океани билан туташиб кетган. Мамлакат

<sup>12</sup> Камолов М.Н. - Жиззах давлат педагогика институти доценти, иқтисод фанлари номзоди.

худудининг катта қисми пасттекисликлардан иборат. Сенегалнинг факатгина жануби-ғарбида баландлиги 500 метрга етадиган Фута-жаллон тепаликлари бор. Асосий дарёси - Сенегал. Мамлакат худудида фосфорит ва темир рудаси, мармар конлари бор. Ҳудудининг 27% и ишлов бериладиган ерлар, 30%и эса ўтлок ва яйловлар, 31% и ўрмонлар ва бутазорлар.

Иклими - субэкваториал, муссонли. Сенегал худуди асосан саванналардан иборат. Кўп асрлардан буён ўрмонли мавзеларда экин экиш учун ўрмонларга олов қўйиб ер тозалаш усули дарахтзор (ўрмон)ларнинг тез йўқолишига олиб келди. Факатгина жануби-ғарбда аралаш ўрмонлар қисми сақланиб қолган. Яшаш шароитлари ўзгариши туфайли йирик ёввойи ҳайвонлар қарийиб қолмаган. Миллий боғларда филлар, жирафалар, кўтослар ва бегемотларни учратиш мумкин.

Сенегалнинг давлат тузилиши - республика. Мамлакат таркибида 10 та вилоят бор. Сенегал Франциядан 1960 йил 4 апрелда “Африка йили”да мустақилликни қўлга киритган. 1982 йили Сенегал ва Гамбия (Сенегамбия) конфедрацияси тузилди, лекин у 1989 йили 30-сентябрда таркалиб кетди. Миллий байрами 4-апрель - мустақиллик куни (1960). Қонунчилик француз фуқоралик ҳуқуқига асосланган. Ижроия ҳокимияти президент (давлат бошлиғи) ва Бош вазир (вазирлар кенгаши бошлиғи) қўлида. Қонунчилик ҳокимиятини бир палатали парламент-Миллий кенгаш амалга оширади. Мамлакатда 18 та сиёсий партиялар амал қилади. 1963 йили мамлакатнинг янги конституцияси қабул қилинди.

Сенегал мамлакати иқтисодиётининг асосий соҳаси-балиқчилик. Ишлаб чиқариш балиқни қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, нефтни тозалаш ва фосфорит казиб чиқариш билан чекланган. Қишлоқ хўжалигида (балиқчилик билан бирга ЯММ нинг 20% ) меҳнатга лаёқатли аҳолининг 75%и банд. Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари - ерёнғок, (экин майдонининг 40%га яқини мамлакат экспорти учун жуда муҳим бўлган ерёнғок етиштириш учун фойдаланилади), маккажухори, тарик, шоли, пахта. Сўнги йилларда туризм тез ривожланмоқда. 2015 йили ЯММ 20,61 млрд долларни (аҳоли жон бошига 1700 доллар) ташкил қилди. Асосий савдо

хамкорлари: Европа ҳамдўстлик мамлакатлари (асосан Франция), Мали, Кот-д Ивуар, Нигерия, Жазоир.

Сенегал давлати темир йўлларининг умумий узунлиги - 1164 км, автомобил йўллари - 14860 км. (каттик қопламали йўллар 3890 км.), ички сув йўллари - 897 км. Мамлакатнинг асосий портлари: Дакар (пойтахт ва денгиз порти), ва Каолак (дарё порти).

### **Америка мамлакатлари:**

1. **Перу** - инкларнинг маданияти кучли ривожланган қадимий давлати. Мамлакатга испанлар Тинч океанига қуйилувчи Биру ёки Перу дарёсининг номини қўйишган. Перу Жанубий Америка континентининг ғарбий қисмида жойлашган давлат. Шимолда Колумбия ва Эквадор, шарқда Бразилия ва Боливия, жанубда Чили давлатлари билан чегарадош. Ғарбда мамлакат қирғоқлари Тинч океани билан туташган.

Мамлакат ҳудуди равшан акс эттирилган уч топографик ҳудуддан ташкил топган. Шарқий қисми (Амазонка ҳавзаси) яхши ўрганилмаган. Перу марказида тоғ тизмаларидан иборат баланд Анд тоғлари жойлашган бўлиб, унинг асосий тоғ занжирлари: Ғарбий Кордильера, Марказий Кордильера ва Шарқий Кордильерадир. Мамлакатнинг ва Анд тоғларининг энг юқори нуқтаси - Оқ Кордильерада жойлашган Уаскаран (6768 м.) тоғи. Перу Андларининг жанубида вулконлар ҳам мавжуд. Уларнинг энг баланди Мисти (5822 м) вулкони дир. Энг йирик қўли қисман Перуга қаршли бўлган Титикака дир. Мамлакатнинг асосий дарёси - Амазонка (Мараньон, Путумайло, Упаяли ирмоқлари).

Перу бой ер ости қазилмаларига эга, улардан мис, олтин, қумуш, кўрғошин, рух, темир рудаси, нефт қазиб олинади, бошқа табиий ресурслардан ёғоч ва балиқ (балиқ овлаш ва ундан маҳсулотлар ишлаб чиқаришда Жануби Америкада иккинчи (Бразилия) ўринда туради. Иклими-ўзига хос 3 топографик ҳудудга бўлинади: Коста - қирғоқбўйи, Сьерра - тоғли район, Сельва - Амазонка ҳавзаси. Коста (қирғоқбўйи) ҳудудлари иклими нисбатан иссиқ ва қуруқ (йиллик ўртача ҳарорати 20<sup>0</sup> с). Сьерра (тоғли район) Анд тоғ тизмаларидан ташкил топганлиги сабабли бу ерда доимий паст ҳарорат ҳукм суради. Сьелва (Амазонка ҳавзаси) нам ва йил давомида иссиқликнинг тенг тақсимланганлиги билан тавсифланади. Ҳайвонот дунёси - Сьеррада ламалар, Сельва ўрмонларида маймунлар, йирткичлардан ягуар ва ацелотлар мавжуд.

Бундан ташқари, кўпгина захарли ва бўғма илонлар мавжуд бўлиб, улар ичида дунёдаги энг йирик илон - анаконда ҳам яшайди.

Перунинг давлат тузилиши - республика. Мамлакат 24 та департаментга бўлинган бўлиб, бундан ташқари унинг таркибига битта конституциявий провенция киради. Перу 28 июль 1821 йилда Испаниядан мустақилликка эришди. Миллий байрами - 28 июль мустақиллик куни. Барча ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва (Вазирлар Кенгаши бошлиғи) бош вазир кўлида жамланган. Олий қонунчилик органи – Конгресс (2 палатали парламент) Мамлакатда ҳозирги кунда 7 та сиёсий партия амал қилади.

Перуда аосан 1990 йилдан банк иши, энергетика ва тоғ-қон саноатида давлат улуши йирик, бироқ мамлакат иқтисоди кўпроқ бозор муносабатларига мослаштирилиб борилмоқда. ЯММ 2015 йилда 217,5 млрд (аҳоли жон бошига 760) долларни ташкил этган. Асосий саноат тармоқлари-қазиб олувчи (нефт ва нефт маҳсулотлари, кўрғошин, рух, тозаланган қумуш (Перу қумуш қазиб олиш бўйича дунёда 3 ўринда туради), мис-асосий экспорт маҳсулотлар), бундан ташқари автомобилсозлик ва кемасозлик саноатлари ривожланган.

Қишлоқ хўжалиги (10% ЯММ)да меҳнатга лаёқатли аҳолининг 37 % и банд. Асосий даромад келтирадиган қишлоқ хўжалик экинлари: қахва, (кофе), пахта, шакарқамиш бўлиб мамлакатда балиқ овлаш ҳам ривожланган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Япония, Колумбия, Аргентина. Мамлакат худудида темир йўлларнинг умумий узунлиги - 1860 км, автомобил йўллари - 70456 км, ички сув йўллари - 8800 км.га яқин. Мамлакатнинг асосий портлари - Калтяо, Талара, Сан-Николас, Чимботе. Умуман Перу давлати Жанубий Америка мамлакатлари ичида иқтисодий ривожланиш жиҳатидан Бразилиядан кейинги ўринда туради.

### **Европа мамлакатлари.**

1. **Босния** - Дунайнинг ўнг ирмоғи Бўша дарёси номи билан боғлиқ.

2. **Литва** - бу ном 1009 йилдан тилга олинади. Мамлакат номи Неман дарёсининг қадимги номи Лейта ёки Листа деб аталган. Шу ном асосида Литва номи пайдо бўлган. Литва - Болтиқ денгизи қирғоғида жойлашган давлатлардан бири. Мамлакат шимолида

Латвия, жануби- ғарбда Россия ва Польша, шарқда Белорус билан чегарадош. Мамлакатнинг катта қисми текисликлардан ва тепаликлардан иборат. Асосий дарёси Нямунас (Неман), жуда кўп кўллар бор.

Қаҳрабо мамлакатнинг муҳим табиий ресурсларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, торф ва қурилиш материалларининг захиралари бор. Умумий ерларининг деярли тенг ярми (50,3 %) ишлов бериладиган ерлар ҳисобланади. 22 % ерлар ўтлок ва яйловлар, 26 % и ўрмонлар, 17 % ини кўллар эгаллаган. Иқлими - ўзгарувчан, континентал. Литванинг давлат тузуми - республика. Мамлакат 44 та район ва марказга бўйсунувчи шаҳарга бўлинган. Литва 1991 йил 6 - сентябрда ўз мустақиллигини эълон қилган. (олдинги номи Литва ССР). Миллий байрами 16 февраль - Литва давлати тикланган (1918) кун. Ижроия ҳокимияти президентга (давлат бошлиғи) ва премьер минстер бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент - Сейм томонидан амалга оширилади. Мамлакатда 5 та сиёсий партия ҳаракатда.

Литванинг аграр индустриал иқтисодиёти ҳозирги вақтда марказлаштирилган бошқарув тизимидан бозор муносабатларига ўтиш даврини ўз бошидан кечирмоқда. ЯММ 2010 йили 59,59 млрд (аҳоли жон бошига 16700 ) долларни ташкил этди. Саноатнинг нисбатан тараккий этган соҳалари: машинасозлик, металга ишлов бериш, кимё, ёғочни қайта ишлаш, тўқимачилик, озиқ-овқат, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш. Қишлоқ хўжалигида (ЯММ 24,4%) аҳолининг меҳнатга лаёқатлиларидан 33,7%и банд. Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири гўшт-сут ишлаб чиқариш соҳасидир. Дехқончиликда картошка, канд лавлаги, сабзавотлар етиштирилади.

Асосий савдо ҳамкорлари: Россия, Германия, Польша, Белорус ва Шимолий Европа мамлакатлари. Литва темир йўлларининг умумий узунлиги -2040 км, автомобил йўллари -44310 км (37710 км-қаттиқ қопламали). Ички сув йўллари 600 км. Асосий денгиз порти – Клайпеда. Демак, дунё мамлакатларининг кўпчилигини номланиши топономик маънога эга бўлиб, улар юқорида айтганимиздек географик томон, тупроқ ранги, маҳаллий тоғ номи, денгиз, қирғоқ, порт. ороллар, худолар, буюк инсонлар, халқлар, қабилалар, ҳаттоки инсонларнинг тана ранги билан боғлиқдир.